

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА МАСАЛАЛАРИ

Абдуллаев Файзулла Абдикодир ўғли

ИИБ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси

Давронов Абдурасул Собиржон ўғли

ИИБ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10575156>

Ижтимоий реабилитация ҳамда ижтимоий мослаштириш тушунчаси ҳақида сўз юритишдан аввал “реабилитация” сўзининг маъноси ва ушбу тушунча қайси соҳаларда қўлланилиши ҳақида хабардор бўлиш мақсадга мувофиқдир. “Реабилитация” сўзи лотинча “rehabilitatio” сўздан олинган бўлиб, “тиклаш” деган маънони англатади. Реабилитация тушунчаси юридик соҳадан ташқари тиббиёт ва ижтимоий соҳада ҳам қўлланилади. Хусусан, тиббий реабилитация деганда, организмнинг бузилган фаолиятини, беморлар ва ногиронларнинг меҳнат қобилиятини тиклашга қаратилган тиббий, педагогик, психологик чора-табирлар мажмуи тушунилади. Ижтимоий реабилитация деганда эса ногиронлик, миграция, одам савдоси, ишсизлик ва бошқа шу каби муаммолар оқибатида шахс ёки шахслар гуруҳининг йўқолган ёки чекланган ижтимоий ҳуқуқларини тиклашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади. Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини қўллаш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматлари томонидан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоратадбирлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлланилади¹.

Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратсиз ва қаровисиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар, назоратсиз ва қаровисиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни марказга қабул қилиш, рўйхатга олиш ва сақлаш тартиби, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам

¹ Эшқобилов С. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларининг аҳамияти //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 12/S. – С. 97-105.



кўрсатиш марказларининг асосий вазифалари, функциялари, ваколатлари, бошқариш тартиби, вояга етмаганлар билан яқка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш ва уларни кийим-кечак, пойабзал ва ашёвий таъминот буюмлари билан таъминлаш меъёрлари белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлатнинг зиммасига инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш вазифаси юклатилган. Ушбу вазифани бажаришда ички ишлар органлари муҳим ўрин тутди².

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 490-сон қарорига 1-илавасига асосан “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисида” низоми тасдиқланган бўлиб, ушбу марказнинг асосий вазифалари қуйидагича белгиланган:

қабулқилинган вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

вояга етмаганларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ёшига хос бўлган психофизиологик хусусиятлари, қобилиятлари, қизиқишлари, ижтимоий мослашуви ва реабилитацияси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантириш;

вояга етмаганларга тиббий-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш;

ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволда бўлган вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича яқка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш.

Ушбу вазифаларнинг ҳар бири айнан оила турмуш даражасида вояга етмаганлар ўртасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олидини олишга хизмат қилади. Унки ушбу муассасалар вояга етмаганларни тарбиялашда асосий қуйидагиларга эътибор қаратишади. Жумладан:

² Аҳмедов Ф.С. Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг асосий шартлари ва вазифалари //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 1-7.

биринчидан, вояга етмаганларни юқори касбий тайёргарликка эга, жисмонан ва маънан етук, билимли, ҳалол, ватанпарвар, мард ва жасур этиб тарбиялаш;

иккинчидан, вояга етмаганларнинг фаол ҳаётий позициясини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, она Ватан тақдирига бўлган масъулиятини ошириш ҳамда ғоявий ва турли ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш;

учинчидан, вояга етмаганларни фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини садоқат ва фидойилик билан виждонан³ бажаришга йўналтириш ҳамда ота оналарини хурмат қилиши каби ғоялар сингдирилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Эшқобилов С. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларининг аҳамияти //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 12/S. – С. 97-105.
2. Аҳмедов Ф.С. Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг асосий шартлари ва вазифалари //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 1-7.
3. Охунов З., Султонов Б. Вояга етмаганлар томонидан жиноятларни олдини олишда ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларини ўрни //Международная конференция академических наук. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 147-154.
4. Қиличев Х. Маҳалла фаолиятини ташкил этишда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг ўрни ва аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 265-267.
5. Қиличев Х. М. Вояга етмаган болаларнинг исмга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 63-67.
6. Маматович, Қ. Х. (2022). Фуқаролар йиғинлари уни қайта ташкил этишга оид мулоҳазалар. barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali, 764-769.
7. Қиличев Х. Маҳалла фаолиятини ташкил этишда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг ўрни ва аҳамияти //Евразийский журнал права,

³ Охунов З., Султонов Б. Вояга етмаганлар томонидан жиноятларни олдини олишда ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларини ўрни //Международная конференция академических наук. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 147-154.

финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 265-267.

8. Янгибаев А., Аллаяров Н. Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг маъмурий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш истиқболлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 114-118.

9. Янгибаев А.К. Участие политических партий в формировании органов государственной власти (опыт узбекистана) //Право и жизнь. – 2016. – №. 10-12. – С. 118-130.

